

ПИЛЛАМИЗ — ТИЛАМИЗ

НАВОЙ ВИЛОЯТИ пиллакорлари 664 тонна «кумуш тола» тайёрлади. Ҳар қути курт уруғидан уртача 50 килограмдан ҳосил олинди. Пиллакорлар яна 50 тонна қимматли саноат хом ашёси етказиб беришга аҳд қилди.

СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ пиллакорлари қабул пунктларига 350 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси етказиб берди. Ҳар қути курт уруғидан уртача 45 килограмдан ҳосил етиштирилди. Пиллакорлар яна 20 тонна ҳосил топишириш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

БУХОРО тумани пиллакорлари шартномадаги 200 тонна урнига 240 тонна кумуш тола етиштириб зафар қўчдилар. Ҳар қутидан уртача 60 килограмдан ҳосил олинди. Туман меҳнат галабасида «Ўзбекистон», «Маданият», «Урта Осиё», «Янги турмуш» Файзулла Аллаев номи, Асад Шокиров номи жамоа ҳужаликлари баракали улуш қўшдилар.

Пиллачиликда бой тажриба тушлаган Мавлон Аслонов, Райхон Исмоилова, Хурсаной Эргашевалар ҳар қути уруғдан 90 — 100 килограмдан хом ашё топиширди.

ПЕШКУЛИК заршунослар ҳам режани ортиги билан адо этдилар. Қабул пунктларига 191 тонна ҳосил етказиб берилди. Навой номи, Йулдош Эргашев номи, Шариф Эргашев номи, «Туркистон», «Бухоро» жамоа ҳужаликларидан уртача ҳосилдорлик 70—80 килограмми ташкил этди.

Илгор пиллакорлар сифатида элга танилган Гулчехра Гадоева, Хурсан Назаров, Халоват Самиевалар ҳар қутидан 95—100 килограмдан кумуш тола олдилар.

Йилнинг илк ҳосилини топириш давом этмоқда. Пешкуликлар Ватан хирмонига яна 5 тонна пилла тортиқ этиш ниятида ҳаракатни жалал давом эттиришяпти.

С. ҚОДИРОВ.

ДЕНОВ ИПАГИ

Денов тумани пиллакорлари уттан мавсумдаги қоби бу йил ҳам юқори ҳосил олдилар. Туман пиллачилик идораси бошлиғи Муҳаммадали Очилов шундай ҳикоя қилади:

— Ҳужаликлар 1600 қути ипак куртини илгор агро-техника қондалари асосида парваришладди, 1300 хона-

донда боқилган жониворлардан мўл ҳосил олинди. Шу кунгача туман буйича 65 тонна кумуш тола қабул пунктларига етказиб берилди.

«Галаба» жамоа ҳужалигидан Бенкам Эшонқулов, Буражаб Нарзуллаева, Отабой Эрнарзоров, Тожиҳол Маҳмудовалар ҳар қутидан 75 кило-

грамдан пилла етиштирилди. Яна бир янгилик — хом ашёни узларидан қайта ишлаш мақсадида кичик корхона ташкил этилди. Бундан бу егига қимматбахо хом ашё — ипак шу ерда йиғирилиб, ип тайёрланади. Ниятлари ипакдан румол ва бошқа хил матолар тайёрлаш.

Э. ПАРДАБОЙ.

ГОЛИБЛАР ЗАФАРИ

Фарғона вилоятида бир кунда турта туман пиллакорлари зафар қўчдилар. Ўзбекистон тумани кумуш тола иждоқорлари 6100 қути уруғдан 327 тонна сифатли пилла топириб, галаба-

га эришдилар. Тумандаги «Соҳибкор», «Ганиобод», «Уқчи», Муқимий номи жамоа ҳужаликлари аъзолари ҳар қути уруғдан 65 — 70 килограмдан сифатли хом ашё топиридилар. Зулфия

Ҳайдаралиева, Дилбар Нуриддинова, Тожиҳон Аҳмаджонова, Ҳурматой Узоқова-лар ҳосилдорликни юз килограмдан оширдилар.

Бешариқ тумани пилла-



Фурқат туманидаги Фурқат номи ширкатлар уюшмаси пиллакорлари мўл ҳосил етиштирилди. Жумладан, Янгикишик ширкати аъзоси Ҳожираҳат Ҳожираҳатова 150 килограмм сифатли хом ашё топириди.

СУРАТДА: моҳир пиллакор Х. Ҳожираҳатова, **М. САРИМСОҚОВ олган сурат.**

корлари ҳам 5120 қути уруғнинг ҳар қутисидан 58,5 килограмдан 301 тонна саноат хом ашёси етказиб бериб режани уддалади. «Ўзбекистон», «Рапқон», «Бешариқ» жамоа ҳужаликлари, «Намуна», «Дустлик», «Яққатут» ширкатлар уюшмаси пиллакорлари мўл ва сифатли хом ашё етиштирилди.

Шунингдек, Учқуприк, Данғара туманлари заршунослари ҳам зиммаларидаги план-топириқларни муваффақиятли адо этиб, қимматли хом ашёнинг сунги граммигача йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилишмоқда.

М. РАҲИМЖОНОВ.

ГАЛАЗОРЛАРДА АМЕРИКА КОМБАЙНЛАРИ

Ҳукуматимиз галлачиликка алоҳида эътибор бераётганлиги тўғрисида уттан йили Американинг «Кейс» компаниясидан 15 та дон урадиган комбайн республикамизга келтирилган эди. Урим машиналари Қашқадарё, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида синая қурилди. Улар ниҳоятда самарали ишлаши айниқса, ёнигини тежашди, чидамлиги билан деҳқонларимизга маъқул келди.

Комбайнлар галлазорларда самарали ишлаб, мавсумда узини ба-тамом оқлади. Айни пайтда узимизда ишлатилган «Енисей» комбайни бир кунда 8-

10 гектар ердаги галлани урса, «Кейс» 37-44 гектар майдондаги донни саранжомлади. «Енисей» 10 фоизгача ҳосилни исроф қилса, бу курсаткич Америка комбайнларида 1-1,5 фоизга турти келди. Ёнигини тежашда эса купчиликни лол қолдирди.

Шу боис республика ҳукумати жорий йилда мазкур комбайнларни куп миқдорда олиб келишга қарор қилган эди. Ҳозиргача 260 та ана шундай машиналар келтирилди. 64 та комбайн эса олиб келинган. Ҳаммаси булиб бу йил 424 та ана шундай машиналар келтириш мўлжалланмоқда.

— Келгусида хорж комбайнларига талаб

ошишини ҳисобга олиб, ҳукуматимиз «Ўзкейс-ролизинг» компаниясини тузишга қарор қилди, — дейди «Ўзқишхў-таминоттаъмир» давлат кооператив қумитасининг эҳтиёт қисмлар бош бошқармасининг бошлиғи Баҳриддин Исмоилов. — Бунинг учун етарли миқдорда маблағ ажратилди.

Жорий йилда мамлакатимиз галлазорларида Америка машиналари бошқа комбайнлар билан бирга ишлатилади. Шундай қилиб, рақобат давом этмоқда. Ҳозир келтирилган урим комбайнлари вилоятларга тарқатилмоқда.

Х. БОЛТАЕВ.

ИККИ МИРИШКОР, АҲИЛУ ҲАМКОР

Чиноз туманидаги «Дустлик» жамоа ҳужалигида ажойиб инсонлар — турки миллат вакиллари оғанидек, дуст ва иноқ яшамоқда. Улар ҳаётнинг бахтли оғанида бирга, оғир кунларида елкадош. Жамоа аҳли ҳужалик бошқаруви раиси Раҳматхон Албобоев етказилишида имкониятлардан оқилона фойдаланиб, қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтиришга муваффақ бўлишмоқда. «Эпини билган элпайди, билмаган чунтагини қоқлайди», деган нақл ҳар бир дала меҳнатқили оғанига сингирилган.

Мирзахон Жониев ҳам ана шу аҳил оиланинг жонфидо аъзоларидан. У қарийб йигирма беш йил ўз техникасида туза қатор ораларига ишлов берди, кўпгина механизаторларга устозлик қилди. 1995 йили ҳужалик бошқаруви унга 75 гектар ер ажратди. Миришкор деҳқончилик қилишга астойдил киришти. Биринчи йиллик мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишди. 1996 йил режаларини ҳам биргаликда белгилаб олишди. Мўл ҳосил учун кураш, аслида, уттан йилнинг қузидан бошланган эди. Биргаликдаги ҳаракат қувонч келтирмоқда. Барча дала ишлари сифатли ўтказилганлиги тўғрисида гузалар дуркун усмоқда.

Ҳозир бригада даласида иш қизиган. Биз бу ерга келганимизда, Мирзахон сувчилар билан бирга туза қатор ораларига сув куйишгаётган экан. У шундай леги:

— Бу йил ҳосилдорликни ошириш ниятимиз бор. Барча аъзоларимиз яхши меҳнат қилишяпти. Механизаторимиз Абдурахимов, сувчиларимиздан Ҳасан Қузибоев, Эшмурад Жуматов, Раҳмонберди Кетжабергагановларнинг номини алоҳида тилга олиш лозим.

Мирзахон Жониев бригадаси билан беллашиб ишлаган Наби Шерматов бошқик бригада даласида ҳам иш қизиган. Улар 106 гектар майдондан давлатга 330 тонна юқори навли пахта етказиб беришга аҳд қилишган.

— Механизаторлар оғиримизни енгил, қадимизни баланд айлашяпти. Далада ишловчиларга иссиқ-оқват ташкил қилинган, — дейди бригада етказисси Набижон Шерматов. — Уларга мой, ун, шол, бугдой, гуруч берилаяпти.

Ҳа, деҳқон қадрига етган, унинг далада яхши меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратилган жойларда ишлар ҳаммида олға боса-верди...

П. ЭРГАШЕВ.

МИЖОЗЛАР ТАЛАБИ ИНОБАТДА

Республикамизда Қашқадарё энг кўп галла етиштирилган вилоятлардан биридир. Жорий йилда вилоятда 741 миң тонна дон ишлаб чиқариш мўлжалланган бўлиб, унинг 370,5 миң тоннаси давлатга топширилади. Айни пайтда далада янги пиллакорлар сонини кўпайтириб, урим мавсуми яқинлашганлигидан далада бермоқда. Республика иқтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Галлабанк»нинг вилоят филиали жамоаси ҳам ҳар йилдек мавсумга яхши тайёргарлик қўриб, урим-йиғимни тез фурсатда ўтказиш, ҳосилни нест-нобузд қилмасдан давлат оморларига етказиб беришга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Қуйида миқозларга хизмат кўрсатишининг тақомиллаштириб бораётганлиги, умуман банк тизимда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги ва урим мавсумига тайёргарликнинг бориши тўғрисида ҳикоя қилинади.

Вилоят филиали айни пайтда 271 та миқозга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг асосий қисми вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари акционерлик уюшмаси корхоналаридир. Яққабог ва Чироқчи туманларида банкнинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Чироқчи туманида жойлашган бўлим Кукдала номи билан юрилади. Унда галачиликка иқтисослашган олтига ҳужалик ҳам банкнинг миқозчи ҳисобланади.

Вилоят филиалининг ташкил этилганлигига ҳали икки йил бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, вилоятдаги банклар орасида унинг обрўси охири бормоқда. Буни миқозчилик қабул қилишнинг сураб филиалда мурожаат етказилганлигини сондан ҳам билиш мумкин. Лекин бу ерда асосан уларнинг сонига эмас, кўпроқ сифатига эътибор берилаяпти.

Биз хизмат кўрсатишининг қай тарзда ташкил этилганлиги, бу борада қандай ижобий ўзгаришларга эришганлиги ва қандай қамчиликлар борлигини билиш мақсадида вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари акционерлик уюшмаси бошқаруви раиси Гайбулла Очиловга мурожаат қилдик.

— Банк фаолиятдан кунглинги тўқ, — дейди Гайбулла Нарзуллаев. — Хизмат кўрсатиш соҳаси тобора тақомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш маданияти ҳам ошяпти. Энг муҳими, пул ўтказиш, миқозлар билан ишлашда ижобий ўзгаришларга эришилганлиги. Лекин ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам мавжуд. Масалан, ҳозир банкнинг иккита туман бўлими мавжуд. Вилоят қишлоқ ҳужалигидан галлачилик асосий тармок ҳисобланганлиги боис уларнинг сонини кўпайтириш керак. Айни пайтда Гузор туманида ана шундай бўлим очил зур. Шунда миқозларга хизмат кўрсатишда яна бир қулайлик яратилади.

Банкнинг самарали фаолият кўрсатаётганлиги акционерлик уюшмаси режаларининг бажарилишида ўз ифодасини топишмоқда. Иқтисодий қийинчиликларга қарамадан жамоа барча курсаткичлар буйича топшириқларини уддаламоқда. Энг муҳими, аҳолининг ун маҳсулотига бўлган талабини қондириш учун барча ишлар амалга ошириляпти. Уюшмада иқтисодиети яхши, даромад олиб фаолият юриятган корхоналар кўп.

Қарши шаҳридаги «Дунё» ҳиссадорлик жамияти шулардан бири. Корхона кунита 500 тонна бўғдойни қайта ишлаб қувватига эга. Унинг маҳсулотлари вилоятдан барча туманларга тарқатилди. Жамият уттан

йилда 66 миллион 665 миң сум даромад олган бўлса, шунинг 21,5 миллион суми бевосита банк ердами билан олинди. Шу билан бирга бултур иккинчи чорақда банкнинг 1,1 миллион акциясини сотиб олган эди. Йил якунида бу кимматбахо қозғоларга 239 фоиз дивиденд туланди.

Корхонада банкнинг жамгарма бўлими ишлаб турибди. Ишчилар ортқича пулларини узоққа бориб юрмасдан жамиятдаги жамгарма бўлимига қўйишлари мумкин. Булим фаолиятдан ҳамманинг кунгли тўқ, Чунки курсатилган муддатда ҳар доим устама пулларни олиш мумкин. Шу билан бирга ҳар доим нақд пул бўлади.

— Банк хизматидан ниҳоятда мамнунимиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти бош ҳисоб-

чи Азим Набиев. — Биз биринчилардан бўлиб миқоз бўлган эдик. Шу йил 25 январда Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда бошқоқлик эканлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда жорий йилда йиғиштириб олинган галла ҳосили учун олдиндан аванс сифатида 40 фоиз ҳақ тулаш қўзда тутилган. Қарорга асосан ҳужаликларга 443 миллион сум берилиши лозим эди. Шунинг 237 миллион сум пул, қолгани уруғлик сифатида берилди.

Шу йил апрель ойида мамлакатимиз Президентининг «Кишлоқ ҳужалик ишлаб чиқаришини давлат йули билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур фармон тармокда тўб бўрилиш аёши қўзда тутилган. Шу боис Чироқчи туманидаги олтига ҳужаликнинг олган қаралари буйича устама фойзалари 2000 йилгача кечиктирилди.

Дарҳақиқат, банк филиалида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, хизмат кўрсатиш даражаси тақомиллаштириб бораляпти. Миқозлар банк фаолиятдан мамнун. Бир суз билан айтганда, иқтисодий ислохотлар илчил амалга ошириляпти. Биз «Галлабанк» вилоят филиалининг фаолияти билан танишиб, унинг галла мустақиллигига сезиларли даражада ҳисса қўшаётганлигининг тўғрисида бўлдик.

— Банк хизматидан ниҳоятда мамнунимиз, — дейди Р. Ҳайдаров. — Бу турда республикадаги раҳбарларимиз билан маслаҳатлашганмиз. Шу йилнинг ўзида утча бўлим очил мўлжалланмоқда. Муҳими, миқозларнинг талаб ва

талабларини ҳисобга олиб иш юриятимиз. Амалга ошириляётган барча ишларимизда республика Марказий банки ва «Галлабанк» бошқарувининг ердами сезилиб турибди. Уларнинг бевосита қўмағи тўғрисида бир неча ўн миң сумлик янги техника сотиб олинди. Хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди.

Уттан йили ҳаммаси бўлиб банкда 477 миллион сумлик кредит берилди. Унинг уртача миқдори 35 фоизни ташкил қилди. Банк маблағлари ҳисобидан берилган кредит эса 27 фоиз бўлди. Келгусида бу курсаткични янада қамайтириш қўзда тутилмоқда. Жорий йилнинг турт ойи мобайнида берилган кредит миқдори эса 237 миллион сумга тенг.

Банк филиали вилоят иқтисодиетини барқарорлаштиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Уттан йили 15 миллион 400 миң сумлик вексель чиқарилган эди. Бу 63 миллион сумлик дебитор-кредитор қарзларни қамайтириш имконини берди. Жамоа иқтисодиетда қимматбахо қозғоларнинг алоҳида ўрни борлигини тушуниб етган. Бу борада амалга ошириляётган ишлар диққатга сазовордир. Масалан, бултур 3,5 миллион сумлик чиқарилган акцияга 3 миллион 902 миң сумлик дивиденд, яъни 239 фоиз фойда туланди. Бу борада талбиркорлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Жисмоний шахсларга 75 миң сумлик акция берилган бўлса, йил охирида уларга 123 миң сум соф фойда қайтарилди.

Филиалда ҳукумат қарорларининг бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йил 25 январда Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда бошқоқлик эканлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда жорий йилда йиғиштириб олинган галла ҳосили учун олдиндан аванс сифатида 40 фоиз ҳақ тулаш қўзда тутилган. Қарорга асосан ҳужаликларга 443 миллион сум берилиши лозим эди. Шунинг 237 миллион сум пул, қолгани уруғлик сифатида берилди.

Шу йил апрель ойида мамлакатимиз Президентининг «Кишлоқ ҳужалик ишлаб чиқаришини давлат йули билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур фармон тармокда тўб бўрилиш аёши қўзда тутилган. Шу боис Чироқчи туманидаги олтига ҳужаликнинг олган қаралари буйича устама фойзалари 2000 йилгача кечиктирилди.

Дарҳақиқат, банк филиалида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, хизмат кўрсатиш даражаси тақомиллаштириб бораляпти. Миқозлар банк фаолиятдан мамнун. Бир суз билан айтганда, иқтисодий ислохотлар илчил амалга ошириляпти. Биз «Галлабанк» вилоят филиалининг фаолияти билан танишиб, унинг галла мустақиллигига сезиларли даражада ҳисса қўшаётганлигининг тўғрисида бўлдик.

Х. ҚАРИМОВ,
«Кишлоқ ҳаёти»
маҳсус муҳбири.

«БИРЛАШГАН» ДАЛАЛАРИДА

Республикамиз Президентининг «Кишлоқ ҳужалик ишлаб чиқаришини давлат йули билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳужалик деҳқонларининг кучига-куч қўшиб, меҳнатла мадал бўлаётганлиги уларнинг шу кунда амалга ошираётган ишларидан ҳам қуриб турибди.

Бу ерда етти йилдирки, ижара пудрати асосида деҳқончилик қилинган. Ҳозир 50 дан ортқ ижарачилар, 9 та деҳқон (фермер) ҳужалиги мавжуд. Миришкорларнинг жорий йилдаги галла ҳосилидан қўлаётган режалари ҳам улуг. Режаларга 33 центнер урнига 40 центнердан хирмон кутариш — эзу ниятлари.

— Ҳужалигимиз далаларида ҳозир галла билан бир қаторда, пахтага ишлов бериш, яғана, чопиқ ишлари ҳам қизиган палла қирган. Ниҳоллар угитлангирилиб, суғоришмоқда. Ер ўз эгаси қўлига топширилган, нафақат деҳқон манфаатдорлиги орди, узаро рақобат ҳам кучайди.

— Келгуси режаларимиз ҳам қўп, — дейди ҳужалик бошқаруви раиси Эргаш Тураев, — Республика Президентининг фармонидан сунг давлатдан 40 миллион сум имтиезли қарз олашмиз. Бундай қатта маблағ биринчи галда техникага бўлган эҳтижсини қондиришга, янги иншоотлар қуришга имкон берса, иккинчидан, таъмирлаш устаконаларини ҳам ҳусу-сийлаштиришга йўл очди. Негаки, устаконалар ҳусусийлаш-

тирилгани ишда ўзгариш тезлашади. Ҳужаликда аҳолини тула иш билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатиш ҳам доимий эътиборда. Ҳозир 2 та енгил автомашина таъмирлаш устаконаси, 4 та тегирмон, омехта ем тайёрлаш пехи, 2 та пойабал устаконаси, шунингдек, қатта ҳаммом, тиббий ердам пункти аҳоли хизматида.

Ҳужалик тасарруфидоги мактаб ва болалар боғчаларида ҳам барча шарт-шароит яратилган. Аълочи укувчиларга бошқарув қарори билан маҳсус пул жорий этилган.

Шу кунларда ҳужаликда галладан бугашан ерларга ишлов бериш, такрорий экин экишга тайёргарлик қурилмоқда. 5 та ҳайдов трактори, 3 та экиш сездалари шай қилиб қўйилган. Далаларга маҳаллий угит ташиб келтирилмоқда.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Кишлоқ ҳаёти»
муҳбири.

ҒАЛАНГ БОРКИ — МУСТАҚИЛСАН!

Республикамиз жанубий районларининг деҳқонлари ўрим-йиғимни кун сайин қизгин тус олдирмоқдалар. Ҳадемай, бебаҳо бойлигимизни ўриб-янчиб олишга оммавий равишда киришилади. Барча куч ва имкониятни шу улуг ишга сафарбар этайлик!



Кенг ва серкатнов бетон йул бўйлаб «Икарус» тезликни ошириб келяпти. Йулчиларнинг нигоҳи ям-яшил бепоён далага қадаланган. Улар юмшоқ суяңчиққа суяңганларича ҳаёл суриб бормоқдалар. Табиат гузаллиги инсонни сехрламай қўймайди. Бир пайтлар гуза сийрак кукариб, қовжираб турган йул чеккаларидаги майдонларга ҳам эндиликда ғалла экинлари экилган. Айни чоғда ҳар тунинг ривож баравж. Еқимли эсаётган еллар этилиб қолган бугдой бошоқларини сийлайди. Яшил пайкаллар ғаллакор шағнига қушиқ куйлаётгандай чиройли мажланиб, кузларни қувнатади. Юртдаги маъмурчилик тўқин сочинлик, хотиржамлиги саховатпешалик бариси ризқ-насибнинг мултидидан. Йул юрган сайин худди бугдойзорлар ҳам кенгаётгандек туюлади. Зеро, нафақат Сирдарё вилоятида, балки республикамизнинг барча худудларида бугун олтин бошоқлар жилваси узгача. Дон аини

етишган палла. Жўшқин бир кайфиятда Гулистонга етиб келдик. Бу сафардан мақсадимиз ҳам жорий йилда давлатга 156 минг тонна дон ва келгуси йил учун 25,4 минг тонна уруғлик тоширишга азму қарор қилишган сирдарёлик азамат ғаллакорларга ҳормасин айтиб, уларнинг мавсум олди тайёргарликлари билан танишиш эди. Оммавий урим-йиғим мавсуми бошланганига санокчи кунлар қолди. Ҳадемай дастурхонимиз туқинлиги, юртимиз фаровонлигини таъминловчи улуг неъмат бўлмиш дон хирмонлари юксалиб, дилларни хушнуд этади. Бу йил Сирдарё вилояти ғаллакорлари кечани-кеча, кундузи-кундуз демай филокорона меҳнат қилиб, мавжуд майдонларда

сиз ишларини таъминлаш учун 121 нафар малакали мутахассисларни ўз сафига жалб қилишган 31 та (кўчма техник қаров утказувчи) бригадалар тузилган. Комбайнларнинг звенно, отрядлар усулида иш юритиши режалаштирилган. Уларга ҳатто вилоят, туман ташкилотларидан маъсул ходимлар бириктирилган. Ҳа шарчиларни меҳнат қуроли билан таъминлаш ишлари ҳам ҳаёлда бор. Ахир, вилоят бўйича 687 та комбайн етишмайди. Шу сабабли ҳатто узаро тузилган шартномаларга қўра қушнинг мамлакатлардан комбайнлар олиб келинмоқда. Мақсад урим-йиғим мавсумини қисқа фурсатда утказишдан иборат. Туман ва ҳужалиқларда ғаллакорларни унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-ша

гона улардан тазаланган. — Бугдой етиштириш халқимиз учун азалий иш, — деди Сирдарё вилояти ҳокимияти маъсул ходими Камолдин Оқбутаев. — Ота-болаларимиз баҳорги бугдойдан ҳам мул-қул ҳосил олиш усулини билишган. Фақат кейинги пайтда уни экиб, парваришда эътибор қилмай қўйдик. Бугун эса яна бу улуг неъматни қўллаб етиштиришга астойдил бел боғладик. Тажрибалар шуни кўрсатаётгани, бугдойгузага нисбатан кам меҳнат талаб қилади ва тез маҳсулотта — нонга айланади. Қолаверса, тўроқ тизимини яхшилайдиган, ҳосилдорлигини оширади. Чорва учун энг арзон ва туйимли ем-хашак эса унинг сомонидир. Бу йил даладаримизда ҳосил мул. Уни ўз вақтида йиғиштириб олишга ҳаммаимиз шаймиз.

Дарҳақиқат, вилоятда чорва учун ем-хашак етиштирилган ерлар кам. Шунини ҳисобга олиб, ғалладан бушанган 40 минг гектар майдонга озука экинлари, жумладан, 29 минг гектарга маккажўхори экин учун агрегат ва мосламалар, керакли уруғлик ҳам тайёрлаб қўйилган. Ҳозир барча жамоа ҳужалиқлари даладарига режани қўллайдиган даражада мул ҳосил тутилган. Эндиги асосий вазифа етиштирилган донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун бутун куч-ғайрат ва имкониятини ишга солишга қаратилган. Ижарачилар, комбайнчилар мавсумни кунгидагидек утказишга ҳужалиқ таътирарлик курган ҳолда урим-йиғим бошланганини сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Давлатмурод САДУЛЛАЕВ, Эркин ТУЛАГАНОВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбирлари.

ОЛТИН БОШОҚЛАР ЖИЛВАСИ

мул-қул ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Айни пайтда ҳар бир туман ва ҳужалиқда урим-йиғимни уюшқоқлик билан утказиш учун пухта тайёргарлик қилинапти. Вилоят бўйича 121 минг гектар майдонга бошоқли дон экилган. Ғаллазорларнинг 104 минг гектари сугориладиган, 17 минг гектари лалми ерлардир. Ишлатиладиган уруғ, янчиш, ташқи таъминини мавсумга содда, таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. 450 та ғалла уриш комбайнлари тахт қилиб қўйилган. АКШдан келирилган «Кейс» русумли комбайнлари бошқариш учун 70 нафар механизатор ва 12 нафар техник механиклар курсларида ўқитилиб, қайта тайёрланди. Урим агрегатларини тиним-

роит яратилган. Мавсум голибларини ўз вақтида моддий ва маънавий томондан рағбатлантириб бориш тадбирлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳужалиқларда урим-йиғим комбайнларининг мавсум олди кўриги утказилаяпти. Вилоят даладарига бугдойнинг «Ингенсивний», «Енбош» навлари куп экилган. Улар меҳр билан парваришланганиги туфайли сердон бошоқлар кун сайин ортиб бораёпти. Ғалла пайкаллари шу кунга қадар икки марта қондириб сугорилиб, икки марта сифатли ишловдан чиқарилди. Вилоят ғаллакорларининг ишлари урим-йиғимни 10 июлгача ниҳоясига етказишдан иборат. Уруғлик тайёрланадиган майдонлар аллақачон акробация қилиниб, бе-

Кексалар доим «уйингдан ғалла аримасин. У тририкдиннинг бебаҳо зийнати, қунда тановул қиладиган инонинг, ош-овқатнинг дейишди. Инсон еши катталашиб, дунёқароши кенгай боргани сари шу гаплар замирида катта маъно муҳасам эканлигини чуқур ҳис этаркан. Ҳа, уйда ўз донинг булагини нима етсин. Кунгинг хотиржам, эртанги кунни уйлаб ташвишланмасан. Юртбошимиз мамлакатимиз кишлоқ ҳужалиқи ходимлари олдида бу йил ғалла мустақиллигига эришиш вазифини қўйиб, улуг иш қилди. Бундан ҳужалигимиз деҳқонлари ҳам бениҳоя хурсанд. Ахир шодланмай бўладими, эл дастурхонини сархин нон ва нон маҳсулотларига, уйимиз донга туюлайми. Қолаверса, соҳадан яхшигина моддий манфаатдорлик кураямиз. Бир мисол. Шеригим Рафкат Хисомидинов бултур 800 тонна бугдойни уриб берди. Уридан ҳар тонна ҳосилга 10 килограмдан бугдой олди. Бир ойлик филокорона меҳнати эвазига мумай даромадли бўлди. Ундаги ғайратпешоқ мента ҳам қувват бағишлади. Салкам беш юз тонна ғаллани уриб-янчишга эришди. Бу йил 500 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Бу-

лачилдик Сир-асорини пухта билалдиган уста деҳқонлар қўччилик. Шулардан бири Усмон Оққулловдир. У утган йили ҳар гектар майдондан 49 центнердан дон саринжомлади. Амалдаги йилда ушбу курсаткини 50 центнердан ошириш ҳаракатидир. Режадан ортиқ йиғиштирилган ҳосилнинг ярмини пудратчида қолади. Бу эса ғаллакорни мул ҳосил ундиришга руҳлантирмоқда. Қарий барча пудратчилар даладарига

экин ривож кўнгидагидек. Булик бошоқлар офтоб нурини жилваланиб олтирирагиг туса қираяпти. Мана, бир неча кундан сунг урим-йиғимга қизгин киришамиз. Иккита комбайн аллақачон созлаб қўйилган. Ҳапарга яна битта комбайн олиб келинади. Ҳар беш кунда илғорлар рағбатлантирилиши эълон қилинди. Отрядлар ташкил этилди. Вагон-уйча, ошхона, дала шийпон тартибга келтирилди. Мавсумга тайёргарлик қилишда ҳужалиқ раҳбари Рустам Уккисоевнинг ўзи бош-қош. У ҳар йили ҳосилга уруқ тушиши биланоқ курпа-тушагини далага қучиради. То мавсум якунлангунча биз билан бирга бўлади. Ватанимиз ғалла хирмони донга туладиган қушлар яқин. Шунини уйлаганимиз сайин дилимиз равшан тормоқда. Биз комбайнчиларнинг эъту мақсади — ҳужалиқ экинзорлариди бебаҳо неъматни узогни билан 25 иш кунда йиғиштириб олиб, маррани биринчилар қаторида забт этиш.

Кўчкор РАСОХОНОВ, Бўка туманидаги Й. Ҳожиматов номи жамоа ҳўжалиги комбайнчиси.



МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Жавзо кўшидан сарҳадсиз Ўзбекистон дала-даштларида, кенг пахта пайкалларида, бог-чорбоғларида кут-барака ёвлади. Денгиздек чайқалиб ётган ғаллазорлар саҳий кўши тафтидан олтинранг тусага қиради. Эл-юрт насибаси, мамлакат иқтисодининг таянчи ғалла бўлиқ бош тортиб пишиқ етила бошлайди. Мухбиримиз ана шундай фарахбахш, аини пайтда масъулиятли даврларда шофирконлик олтин бошоқ ижодкорлари хузурда бўлиб, туман ғаллакорларининг урим-йиғим мавсумига таралдуи билан танишади. Бу ҳақда туман агросаноат қўмитаси раиси Шароф Алиқулов шундай ҳикоя қилади:



маккажўхори экамиз. Мавсумни бекам-куст якунлаш ва такрорий экинлар учун ер тайёрлаш ҳам алоҳида техника хизмати гуруҳи ташкил этилган. 16 гуруҳга бирлашган 20 та устахона, 20 та пайвандаш агрегати 19 та енилли кўйиш механизми, 78 нафар соловчи усталар ғаллакорлар хизматида. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам деганлар. Урим-йиғим қатнашчиларига намунали ва маиший хизмат қўрсатилади. Бепул тушликлар ташкил этилиб, ғаллакорларнинг оилаларига ҳам баҳоли қудрат ердам уюштирилди. 20 та маиший хизмат шахобчаларига уюшган 20 нафар сарторчи, 40 нафар тубиет ходими, 20 та кўчма кутубхона ва савдо дўконлари туни кун урим-йиғим қатнашчилари хизматида бўлади. Урим-йиғим илғорлари туман ва ҳужалиқ касоба уюшмалари томонидан ҳар беш кунда аниқлашиб, голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Хуллас, юрт бойлиги, эл ризқ-насибаси ҳисобланган ғалланинг бир мисоқини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, Ватан хирмонига 18 минг тонналик сара дон тақдим этиамиз ва республикамизнинг ғалла мустақиллигига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Фаргона туманида мустақиллигимизнинг камол топиши учун ениб меҳнат қилаётган фидойи, талбиркор инсонлар куп. «Иттифоқ» жамоа ҳужалиқи бошқаруви раиси Каримжон Қўчқоров шундай фидойи раҳбарлардан. Пахта, ғалла, богдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган жамоа ҳужалиқи унинг ишбилармонлиги туфайли жадал ривожланмоқда. Амалга ошириляётган ибратли талбиркорлардан деҳқонларнинг кайфияти чоғ, руҳияти тетик.

— Шу ҳужалиққа раҳбар бўлганимга мана ун бир йил бўляпти, ҳади бирор йил режалар бажарилмасдан қолмаган, — дейди Каримжон Қўчқоров. — Утган йил 740 гектар майдондан 1965 тонна пахта олдик, режани ошириб бажарганимиз учун ҳужалиқ ҳисобиди қолган 299 тонна толадан 15 миллион сумдан ортиқ даромад кўрдик. 465 гектар бошоқли экинларнинг ҳар гектаридан 33 центнердан ғалла йиғиштирилди. 1500 тонна доннинг 970 тоннаси давлатга тоширилди. Режа 143 фоизга уринтилди. Ғалладан қилган даромадимиз 2 миллион 250 минг сум бўлди. 420 тонна бугдой арзон нарҳда — килоси 3 сумдан жамоа аъзоларига тарқатилди. Ҳужалиқда бог-роғлар йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Утган йил кузда 24 гектар янги мезвзор бог ташкил қилинди. Ҳозир ҳужалиқда 280 гектар мезвзор бог бор. Шундан 160 гектари ҳосилга кирган. 1995 йили 250 тонна худ мезв шартнома асосида ташкилотларга сотилди. 40 тонна мезв иш ҳақи сифатида берилди. Богдорчиликни 1.280 минг сум соф даромад олинди. Чорва молларининг илғор усуллари парварииш қилиниши ва зотларини яхшилашга эътибор берилсагани туфайли тармоқ юксалмоқда. Бултур чорвачиликдан 480 минг сум фойда қурилди. Хуллас, ҳужалиқнинг олган жамаи даромади

37 миллион сумдан орти. Соф фойда 6 миллион сумга етди. Бу даромадлар биринчи навбатда халқнинг турмуш шароитини яхшилашга сарфланмоқда. Яқинда юртбошимизнинг «Кишлоқ ҳужалиқи ишлаб чиқаришини давлат йули билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари туғрисида»ги фармони дилларни қувончга тулдирди.

ФИДОЙИ ДЕҲҚОНЛАР МАСКАНИ

Матбуотда эълон қилинган республика Вазирил Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури туғрисида»ги қарори деҳқонларга узгача завқ-шавқ бағишляпти. Қарорда кишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан самарали фойдаланиш учун аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш истиқболлари белгилаб берилди. Ҳужалиқ ҳудудидаги 3670 та хонадон-табиий газ билан таъминланди. Айни пайтда Жапақи ва Янбарок кишлоқларини газлаштириш ҳаракати бошланди. Лойиҳа-ҳужжатлар тайёр. Янбарок кишлоғига Оқбўлоқ кишлоғи орқали газ қувурлари тортилмоқда. Жапақи кишлоғида 700 нафар киргиз миллиати вакиллари истиқомат қилади. Уларни моддий ва маънавий эъзадатдан ҳимомлашга эътибор қўйилган. 280 уринли мактаб битоси куриб берилди, болалар ўз она тилида ўқитилмоқда. 32 гектар янги бог мавжуд, 60 гектар майдонда бугдой етиш-

тирилмоқда. Янги турар жойлар куриб берилган. Утган йили етиштирилган кишлоқ ҳужалиқ маҳсулотлари учун маблағларни вақтида ололмадан деҳқонларга иш ҳақи беришда қийинчиликлар бўлди. Жамоа аъзолари фойдаланилган табиий газ ва электр қуввати учун пулни вақтида тулай олишмади. Айниқса, кишлоқ ҳужалиқ ва транспорт солиқларидан фуқаролар

на дон ҳужалиқ эҳтиёжига қолдирилди. Ҳозир ғалла уримига қизгин тайёргарлик қилинмоқда. Комбайнлар хирмонлар, омборлар таъмирланди, техниканинг қайтиш жойлари ҳозирланди. Баҳорги такрор-такрор ескан емгир, жала богбонлар юмушини қўпайтирди, бир қисм мезвони дархатларнинг гули нобуд бўлди. Табиий офатларни мардонавор енаётган богбонлар 160 гектар богдан 600 тонна мезв тоширишга шартнома имзолашган. Бундан ташқари шаҳар аҳолисига 100 тонна узум етказиб берилди. Йилнинг илк ҳосили — 14 тонна пилла тоширилди. Фермарларда 791 бош қорамол, 1851 бош қўй, 44 бош от боқилмоқда. Давлатга 520 тонна сунг, 57 тонна гушт етказиб бериш режалаштирилган. Йилнинг биринчи чорағида 265 тонна сунг 19,5 тонна гушт сотилди. 780 бош соғлом қўзи, 77 бош бузоқ олинди. Фермер Абдурахим Аҳмадқонов бошлиқ «Оқтулпор» ҳужалиқи 4 тонна гушт етиштирди. Ҳақсийқ миришкор ва чорвалорлар меҳнат қилаётган «Иттифоқ» жамоа ҳужалиқида кишлоқ ҳужалиқ маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга қўпайиб, даромад ҳам ортмоқда, ҳужалиқ аъзоларининг турмуши фаровонлашиб бораёпти.

Рахимжон МЕЛИБОВЕВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири. СУРАТДА: Олтириқ туманидаги «Оқбўйра» жамоа ҳўжалиқининг ғаллачилик звеноси бошлани (ўнда) Сотiboldи Юсупов ва звено аъзоси Умурбек Юсупов далада. Ганижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган сурат.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

• ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН «Шуманай» каналда сув тақсимлагич куриб фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу ердаги 10 минг гектар ер сув билан таъминланади. Курилиш-монтаж ишларини «Қорақалпоқсувқурилиш» бирлашмасининг тажрибали бунёдкорлари бажардилар. • Узулнинг 70 километр буладиган «Бустон» каналини қазинишга киришилди. Канал биттач Турткул, Беруний, Эликқалба туманлари сувга сероб бўлади. Каналнинг 30,5 километри биринчи навбати келаси йили ишга туширилади. • ФАРҒОНА Қува дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Швейцария асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бу корхона Марказий Осиёда ягона бўлиб, кунига 250 тонна ун, 45 тонна макарон тайёрлаш имкониятига эга. НАМАНГАН. Янгиқурган туманининг Исковат кишлоғида йирик газ тақсимлаш иншооти ишга туширилди. 35 километр масофага етказилган қувурлардан тумандаги қушлаб кишлоқларга газ боради. Аҳоли кишига утин-қўмир гамлашдан қутулади. ЖИЗЗАХ. Бахмал туманидаги энг олис кишлоқларда электр қувватидан фойдаланишда узилиш бўлмайди. «Узунбулоқ» ижара ширкатлар бирлашмасида иштирокчи қуриб, ишга туширилди. Қурилиш ишларини вилоятдаги ун учинчи механизациялашган кучма колонна азаматлари бажаришди. ПИШИҚ ВА АРЗОН Ҳужабод пахта тозалаш заводининг ишчилари бу муаммони осон ҳал этишди — улар ташаббус қўрсатиб тикви фабрикаси куришди. Эндиликда бу ерда пахта бунтларини асраш учун улкан чойшаблар тиклмоқда. Чойшабнинг авраси полимер пленкадан, теси эса хом сурпдан иборат. Ҳар бир шундай маҳсулот 160 квадрат метрдан 200 квадрат метргача бўлиб, шу вақтгача ҳосилни асраш учун қўлланиб келатган брезент урнига бемалол ишлатилиши мумкин. Пойтахтдан келган мутахассислар маҳсулотнинг пишиқлигини синчиқлаб текшириб қуришгач, ана шундай ҳулосага келишди ва чойшаб ҳамда уни тикиш учун ишлатилган матоларга юқори баҳо беришди. Янги маҳсулот ҳар йили валлотга сотиб олинладиган брезентдан икки баравар арзон ҳамда енгиллиги туфайли фойдаланиш қулай. Фабрика жамоаси пахта йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар турли катталарда турт мингта ана шундай маҳсулот ишлаб чиқармоқчи. Масалан, 300 тонналик бунтнинг устини епиш учун ана шундай чойшабдан учтаси кифойдир. (ЎЗА)

